



ЖАМИЯТ

№ 43 (817)
2022 йил
3 ноябрь,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

КЎЗЛАРИМГА ТЎТИЁ ТУҒИМ!

Ифтихор



Инсон ҳаётида унутилмас кунлар кўп бўлади.

Шу билан бирга у яшаётган диёр билан боғлиқ шундай воқеа-ходисалар рўй берадики, чин ватанпарвар учун бундай дамлар завқи беҳад юксакдир. 1991 йил 18 ноябрь. Бу сана биз – Ўзбекистон фуқаролари учун қадрли ва унутилмас кунлардан биридир. Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII Сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

1992 йил 2 мартда яна бир муҳим воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Бугун у давлатимиз мустақиллигининг жаҳоний ифодаси, халқимиз ғурури, ифтихори, орзу-умидининг рамзи бўлиб ҳилпираб турибди.

Ватан тимсоллари, давлатимиз рамзларига, агар кўнгил кўзи билан қарасак, уларнинг ҳар бири ўзига хос мактаб, алоҳида китоб эканини англаймиз. Хўш, уни ким ўқий олади? Ким бу рамзлар моҳиятидаги эзгу ниятларни теран англай олади? Албатта, биринчи галда ўз Вата-

нини чин дилдан севган, ўз халқини ардоқлашга қодир, тақдирини юрти тақдир билан чамбарчас боғлиқ кўра оладиган инсонлар уларни ўқийди, англайди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи мамлакатимиз суверенитетининг рамзи бўлиб, унда миллий давлатчилигимиз, мустақил ва мустаҳкам давлат барпо этиш борасидаги эзгу ғоямиз, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигимиз, орзу-мақсад ва интилишларимиз, ор-номусимиз ва ғуруримиз акс этган.

“Ўзбекистон Республикасининг

Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи республика давлат суверенитетининг рамзидир”. Қонуннинг 3-моддасида айтилганидек, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўрғазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади”.

Дунёда давлат байроқлари кўп, лекин улар ичида Ўзбекистон байроғи энг кўркем ва чиройлисидир. Негаки, у қалбимиз, руҳимизга туташдир. Унда олам-олам маънолар мужассам. Байроқдаги навқирон ярим ой тасвири миллий-тарихий анъаналаримиз би-

лан боғлиқ. Аини пайтда, у қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳам саналади. 12 юлдуз тасвирида ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши ифода этилган. Ундаги мовий ранг – тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу – яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шоншухрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда бўлган. Оқ ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб, поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва ҳаёллар тозаллиги ва ички гўзалликка интилишни намोён этади.

(Давоми 5-саҳифада)

ЎЗ БОЙЛИГИМИЗГА



ЭҒАЛИК ҚИЛАЙЛИК

...олис юртлар халқлари тилларини
эътибор билан ўрганияпмиз, аммо...
Шундоққина ўз қўлимизда бўлган маънавий
бойликларимиздан бебаҳра қолмоқдамиз...



СОҒ ОДАМ ҚОЛДИМИКАН?

МАНМАННИНГ ЖАЗОСИ

— Аҳа, демак сиз айтишингиз буйича мен шу қўйларим сонига қараб, қайсидир дангасага нечтадир қўй беришим керакми? Мен иссиқни-иссиқ, совуқни совуқ демасдан тоғу тошларда юрган вақтимда ким келиб менга қарашиб қўйган эдики, мен унга ҳадея қилсам!

ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё—Европа Иттифоқи” саммитидаги нутқиюртимизда ва хорижда кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда.

сидаги ишлар ҳолати таҳлил қилинди. Албатта, қилинган ишлар кўлами кенг, аммо умумий рақамлар мавжуд улкан имкониятларга мос келмайди.

Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбари бу борада аниқ таклиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Боиси Европа бозорларида тайёр, хомашё бўлмаган товарлар номенклатураси билан муносиб рақобат қилиши учун мамлакатларимиз қатор комплекс масалаларни ҳал этишлари керак.

Бу борада саноат маҳсулотларимизнинг Европанинг юқори стандартлари ва техник регламентларига мувофиқлигини таъминлаш, ҳозирги мавжуд чекловларни ҳисобга олган ҳолда, Европа Иттифоқи бозорларига чиқиш учун энг мақбул самарали транспорт-логистика коридорларини яратиш, энг аввало, Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантириш лозим.

Шунингдек, европалик истеъмолчилар ўртасида Марказий Осиё мамлакатлари маҳсулотларининг танилиши ва харидоргир бўлиши учун

кўшма маркетинг тадқиқотлари ҳамда мақсадли тадбир ва акциялар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Қисқаси, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасидаги дипломатик муносабатлар сўнгги йилларда сезиларли даражада фаоллашди. Ҳозирги кунда томонлар барча соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Биргина ўтган йилнинг апрель ойида мамлакатимизга ЕИнинг “GSP+” бенефициар тизими мақоми берилиши, икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлди, десак айни ҳақиқат.

Ишончим комилки, Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона ташқи сиёсат Янги Ўзбекистонни дунё ҳамжамияти билан яқинлаштиради. Энг муҳими, жаҳон иқтисодиёти билан барқарорлаштишга, провардида ривожланган мамлакатлар сафида тилга олинмишига замин яратади.

Ҳазраткул ХЎЖАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

Ушбу нуфузли анжуманда давлатимиз раҳбари минтақамиз ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигининг савдо-иқтисодий йўналишига алоҳида тўхталиб, мамлакатларимиз «GSP+» имтиёзли савдо тизимида кўшилганидан сўнг йил бошидан буён юқори кўшилган қийматли ўзбек маҳсулотларининг экспорти қарийб икки баробар ошганини қайд этди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Европа кенгаши Президентлари ҳамда Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари иштирок этган ушбу саммитда Президентимиз мазкур форматга амалий ҳамкорликни илгари суриш, ишонч, шериклик ва ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган муҳим мулоқот майдони сифатида қарашини билдирди.

Нутқда айтиб ўтилганидек, саммит арафасида Ўзбекистонда савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳа-

ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Саломатлик инсоннинг бирламчи эҳтиёжи ва истаги саналади. Сўнгги йилларда ушбу соҳани янада ривожлантириш, уни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган изчил ислоҳотлар олиб борилаётгани боиси ҳам шунда.

Хусусан, тиббиётга ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин оширилиб, биргина 2022 йилнинг ўзида соҳага бюджетдан 28 триллион сўм йўналтирилди. Бу маблағ 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўп.

Ўтган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини доридармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилди. Шу даврда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш учун халқаро молия ташкилотларидан 700 миллион доллардан зиёд маблағлар жалб қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга қилган сафарлари чоғида ҳам доимий равишда тиббиёт масканларига ташриф буюриб, шифокорлар ва уерда даволанаётган беморлар билан яқиндан мулоқот қилиши анъанага айланиб улгурди.

Президентимизнинг жорий йил март ойида мамлакатимизда илк бор тиббиёт ходимлари билан очик мулоқоти чоғида бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, тез тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббиёт муассасаларининг шароитини яхшилаш, соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш, шифохоналарни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини ошириш ҳамда касалликларнинг олдини олишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш белги-

лаб олинган эди.

Ўтган вақт мобайнида соҳани тараккий этишига хизмат қилувчи бир қатор ҳуқуқий нормалар қабул қилинди. Тиббиёт соҳасидаги энг устувор вазифалардан бири малакали тиббий хизматларнинг ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлашга қартилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимиз Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари фаолиятини яқиндан ўрганиб, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳани ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Ҳақиқатдан ҳам, бугун тиббиёт соҳасидаги энг устувор вазифалардан бири малакали тиббий хизматларнинг ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлашдан иборат. Шу боис, жорий йилда янги 106 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар, 1000 та маҳаллада тиббиёт пункти ташкил этилди. Бу орқали 3,5 миллион аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди.

Оилавий шифокорлар томони-

дан бепул тарқатиладиган дорилар 45 турдан 70 турга етказилди. Шунингдек, 820 та бирламчи тиббиёт муассасасига УЗИ ва ЭКГ ускуналари етказиб берилди. Оилавий поликлиникаларда 19,5 мингта кундузги шифо ўринлари ташкил этилди. Натижада 740 минг аҳолига шифохонага бормасдан, маҳалланинг ўзида даволаниш имконияти яратилди.

Албатта, аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш йўналишига бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Сабаби март ойида ўтказилган очик мулоқот жараёнида билдирилган 25 мингдан ортиқ таклифларнинг 55 фоизи айнан бирламчи тиббиёт муассасалар фаолияти билан боғлиқ мурожаатлар эди.

Йиғилишда галдаги амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга эътибор қаратиларкан, бирламчи бўғинни маҳаллагача тушириш бўйича бошлаган ислоҳотлар самарасини ошириш лозимлиги айтилиб оилавий поликлиникалардан 10 километр узоқликда жойлашган 272 та маҳаллада тиббиёт пунктларини ташкил қилиш ишларини жадаллаштириш топширилди.

Олис ва чекка ҳудудларда жой-

лашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларига шифокорларга бўлган эҳтиёж юқорилиги инobatга олиниб “Қишлоқ шифокори” дастури қабул қилинган эди. Бу ҳудудларда ишламоқчи бўлган шифокорларга 30 миллион сўм пул маблағи ажратилиши белгиланиб, бунинг учун жорий йил бюджетдан 20 миллиард сўм ажратилди.

Ҳозирги кунга қадар “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда 191 нафар шифокор иш бошлади. Яна 171 та бўш ўринни тўлдириш вазифаси кўйилди. Шифохоналарда туғруқ ўринларини кўпайтириш, республика бўйича 46 та туманлараро перинатал марказни ташкил этиш ишларини тезлаштириш топширилди.

Умуман олганда, йиғилишда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси сўзсиз таъминланиши натижасида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ошади. Энг муҳими, халқнинг розилигига эришилади.

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Халқимиз “Болам элга хизмат қиладиган, ҳалол, ҳамияти бутун бўлсин”, деб дуо қилади. Фарзанди улғайиб, юрт қорига яраб қолган, давлат ишида ишлаб элга қўшилган ва ота-онасининг юзини ёруғ қилганларга ҳамма ҳавасда. Бир сўз билан айтганда, давлат хизматчисига элимизда азалдан ижобий қараш ва ҳавас шаклланган. Ёш болалар тарбиясида ҳам муайян давлат ишида ишловчи қўшни ёки қариндош мисол қилиб кўрсатилади. Бу эса, кўпга хизмат қилиш баробарида давлат функцияларини бажаришда бевосита иштирок этувчи касб эгаларига ҳурмат ва иззат қон-қонимизга сингиб кетганини кўрсатади.

Бир хиллик эскиришдир

Хукукий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятининг устуни унинг қонунлари устуворлиги асосига қурилади. Бироқ миллионлаб болалар ҳавас қилувчи, халқимиз ардоқлайдиган ва суянадиган, давлатнинг чин маънодаги юзини намён қиладиган давлат хизматчиси фаолиятига оид яхлит ҳукукий асос – ягона қонун ҳануз мавжуд эмас эди. Аксинча, давлат хизматчиларининг фаолияти турли қонун ва қонуности ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Лекин бу яхлит тизимни қамраб олишнинг амалда имконсиз бўлганини кўрсатадиган муҳим фактор. Умумий стандарт йўқлиги эса, талқинлар турлича бўлишига олиб келиши бор гап. Буни атрофимиздаги кўплаб инсонлар мисолида кўриш мумкин. Айтайлик, маҳалла-маъруза “фалончи ишга кириб, бурни кўтарилиб қолибди”, деган гаплар ҳам бежиз болаламайди.

Давлат иши моҳиятан, “халққа хизмат қилиш” демакдир. Бу норма ва унга боғлиқ қоидалар барча учун тенг ва тушунарли талқин қилинмагани эса, айрим ҳолларда давлат хизматчиси билан у ёки бу тарзда мулоқотга киришган юртдошларимизнинг асосли эътирозларини юзага келтирар эди. Айтайлик, нафақа ёшидаги отахон эҳтиёжи юзасидан банк ёки бошқа идорага борса, оппоқ кўйлак кийган, келишган ходим унга кўрсатилган килса, безътибор бўлса, дардини тингламаса, муаммосини ечиш ўрнига сансалорлик қилиб, уни сарсон қилса дили хуфтон бўлади. Ўша хизматчи эмас, аввало давлатдан норози бўлади.

Аммо энди ундай бўлмайди

Боиси, жорий йилнинг 8 август куни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. 10 та боб ва 64 та моддадан иборат бўлган қонун юртимиздаги ижро ҳокимияти вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларда ишлаётган 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солиди.

Шу билан бирга, 2022 йил 14 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар тимсолида фуқароларга давлат хизмати кўрсатишининг барча йўналишларида ягона талаб ва тартиб кучга кирмоқда.

Демак энди асосий вазифа ушбу ҳужжатлар моҳиятини тўла англаш ва уларни ҳаётга самарали татбиқ қилиш




чораларини кўришдан иборатдир.

Принципиаллик – самарадорлик сари йўл

Аввало қонунни яратишда нафақат миллий тажриба ва ўзига хослик, балки илғор халқаро тажриба ҳам фаол инобатга олинганини қайд этиш жоиз. Бу эса, ҳануз алоҳида қонун билан тартибга солинмай келинган тизимнинг пухталиги ва замон талабларини ўзида акс эттирадиган нормалар эвазига самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. 5-модда эса, ушбу устувор мақсадни ўзида тўлиқ қамраб олади ва кейинги қоидалар учун асос вазифасини ўтайди. Зотан ушбу модда “Давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари” деб номланган ва унда барча принциплар қабий белгилаб қўйилган.

Жумладан, давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги, қонунийлик, адолатлилиқ, халққа хизмат қилиш, давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиклик ва шаффофлик, ҳолислиқ, профессионаллик ва компетентлик, давлат фуқаролик хизматидаги киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳукукий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши каби принциплар аввало давлат хизматлари кўрсатиш сифатини халқ манфаати йўлида, қонуний асосда амалга оширишнинг олтин қоидаларидир.

Истаймизми-йўқми, шу пайтга қадар ишга олиш билан боғлиқ жараёнлар нисбатан ёпиқ ёки фақатгина ташкилотнинг ички ҳужжатлари асосида амалга оширилган. Бу жараёнда ишга жойлаша олмай қолган ходимлар томонидан турли баҳоналар қаторида, “таниш-билиш экан, қира олмадим”, деган гаплар ҳам тарқатилган. Ваҳоланки, иш берувчи номзодни ўз вазифаларини бажариш нуктаи назаридан турли мезонлар асосида ўрганади ва бу табиий. Қайсидир талабга жавоб бера олмай қолганда эса, номзод ўз қимчилигини пардалаш учун ҳам юқоридаги каби



баҳоналарга таянган ҳоллар йўқ эмас. Ўз-ўзидан, ишга олиш жараёнида таниш-билишлиқ, ноҳолислиққа қасддан ва ёки билмасдан йўл қўйиш ҳоллари ҳам учраши ҳақиқат.

Энди эса, қонуннинг ушбу моддаси билан давлат фуқаролик хизматида киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги асосий принциплардан бири сифатида белгилаб қўйилмоқда. Демакки, мазкур тамойилнинг ишлаши давлат хизматининг амалга оширилишида илк қадам бўлган ишга кириш жараёнида ҳам очиклик, шаффофлик ва ҳолислиқни таъминлашга хизмат қилади. Пировардида, фуқароларнинг давлат ва унинг хизматчиларига нисбатан ишончи ортишига эришилади.

Ҳар қандай муваффақият – қатъий интизом маҳсули

Билиш ва амал қилиш бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Бу худди қонунни билмаслик, унга амал қилмаслик ҳукуқини бермагани каби қоидага қиёс. Шу маънода, ҳар қандай ҳукукий ҳужжат унга амал қилинганда, тўқисдир. Мазкур қонунда эса, давлат хизматчиларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўла акс эттирилганки, унга амал қилиш учун аввало ўрганиш, тушуниш талаб этилади.

Айниқса, қонуннинг 3-бобини. Мазкур боб “Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳукукий мақоми” деб номланган ва унда ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўлиқ ва аниқ белгилаб қўйилган.

Жумладан, 13-модда давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловларни ўз ичига олган.

Қонунга мувофиқ, эндиликда давлат фуқаролик хизматчиси куйидаги қатор жиҳатларга ҳақли эмас. Хусусан, ўзаро яқин қариндошлиқда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши мумкин бўлмайди. Бунда уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга йўл қўйилмайди. Мазкур қоида ходим зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариши учун бевосита таъсир этувчи қариндош-уруғчилик билан боғлиқ омилларга барҳам бериши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳолатларни истисно қилган ҳолда, педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғул-

ланиш имконияти бўлмайди. Бу нима беради? Мазкур норма энг аввало, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга замин яратади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қонунга кўра, давлат фуқаролик хизмати ходими тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажаришга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

Бу эса, айниқса давлат ва хусусий шериклик муносабатларини ўрнатиш жараёнларида ҳолислиқ ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилади. Албатта, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгаллик қилиш ҳоллари мустасно.

Шунингдек, мазкур моддада ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олиш, ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олиш ҳамда чет давлат фуқаролигини олиш каби муҳим жиҳатларга ҳам тўсиқлар қўйилмоқдаки, пировардида мазкур норма давлат фуқаролик хизматини кўрсатиш жараёнида шахсий манфаатларнинг ҳар қандай шаклини қўллашнинг олдини олади.

Хулоса ўрнида

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун юртимизда давлат фуқаролик хизматини олиб боришнинг янги даврини бошлаб бермоқда. Зеро қонун билан, сўнгги йилларда амалга оширилаётган “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойилини ҳаётга татбиқ этишда катта қадам сифатида қаралмоқда.

Давлат раҳбари олиб бораётган сиёсат моҳиятан халқ розилигини қозонишга қаратилгани давлат фуқаролик хизматида фаолият юритаётган ҳар бир ходимнинг иш жараёнида устуворлик касб этиши давр талабидир. Ушбу талаб бажарилишида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни бекиёс аҳамият касб этади. Демак қонунга тўлиқ риоя қилиш барчамизнинг олдимиздаги муқаддас бурчдир. Зотан бу билан фаолиятимизда шараф ва масъулиятни уйғунлаштира оламиз. Пировардида, халқ биздан рози бўлади ва ўзимиздан кейинги авлодга муносиб ўрнак бўламиз. Зеро мамлакат тараққиёти фақатгина изчил ислохотлар самарасига боғлиқдир.

Бехзод АРТИКОВ,
АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
Тошкент вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи

Бир вақтлар билим даргоҳларида энг эътибордан четдаги фанлардан бири ҳисобланмиш чет тили дарсларининг кейинги йилларда мавқеи ниҳоятда ошиб кетиши ўз самараларини бераётганлиги қувончлидир. Ўқувчи, талаба ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга интилишлари ва бунда юқори натижаларга эришаётганликлари тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Бирок кўпдан буён мени ўйларга чўндириб келаётган бир ҳолат тўғрисида ўз мулоҳазаларимни ўртоқлашишга жазм этдим. Бу ҳақда ҳеч фикрлаб кўрганмисиз, “Нечта тилни биласан?” деган саволга биз ўзбекларнинг аниқ жавоб беришимиз қийин. Чунки биз биламиз деган тиллар сони анчагина. Ахир бир қанча туркий тиллар борки, уларда сўзлашувчи кишилар билан мулоқотда бўлиб, тўлиқ ва мукамал бўлмаса-да, бир-биримизни бемалол тушунишимиз мумкин.

Ҳали бошланғич синфда ўқиб юрган болалик чоғларимда бир устозимнинг қорақалпоқча шеър ўқиб беришидан роса хайратда қолган, шундан бошлаб дунёда ўзбекчамизга ўхшайдиган, лекин бошқа тиллар борлигини билиб, уларга қизиқишим йилдан-йилга тобора ошиб келди.

Ўқувчилик йилларим охирида бир катта грампластинкадаги озарбойжон қўшиқлари энг севимлиларимдан бири бўлиб, шу каби бошқа тиллардагиларини ҳам ҳар топганимда ниҳоятда қувониб кетардим. Аскарлик хизмати вақтида эса озарбойжон, қозок, татар дўстларимиз орамизда анчагина эди ва улар билан кези келганда норусча сўзлашишларимиз ҳам кўп бўларди.


Шунинг самараларидан бўлса керак, 1994 – 1996 йилларда ўзбек-турк лицейида ишлашим жараёнида икки мамлакат ҳужжатлари баравар юритиладиган иш шароитида тинимсиз луғатлар титкилаш билан эса-да, ҳар икки томонга таржимонлик хизматлари кўрсатишдан завқланардим. Бу эса, ўйлайманки, айтишларича турк тилига ўхшашлик даражаси саксон фоиз бўлган озарбойжон тилига ёшлиқдан оқ қизиқишим кучли бўлганлиги сабаблидир.

Ўша вақтларда фурсатлардан фойдаланиб, турк тилини ўрганиш бўйича катта саъю ҳаракатлар қилардим. Ўзаро суҳбатларда ва тадбирларда туркча ҳам сўзлашга интилишим, бу тилдаги айрим шеърларни ўқишим, баъзиларини ёддан айтишларимдан турк ҳамкасбларимиз мамнуният изҳор этардилар.

Ёшлик чоғларимдаги ўқитувчилик фаолиятимда ўша вақтларда адабиёт ўқув дастурларида бўлган В.Катаевнинг “Полк ўғли” қиссасидан парчани ўқитиш жараёнида қўлимда бор бўлган шу асарнинг қозокча нашрини (В.Катаев. “Полк баласи”. Повесть. Аударған С.Омаров. Алматы. “Жалын”, 1981.) мактабга олиб келар, ўрганилаётган парчанинг қозокчасини ҳам ўқиб бериб, ўхшаш, аммо бошқа-бошқа бўлган икки тилни қиёслаш билан ўтадиган дарсларимиз ўқувчи-

римга катта қизиқиш уйғотарди.

Бундан ташқари, ўзимда мавжуд бўлган айрим туркий тиллардаги китоблар, жумладан, Муса Жалилнинг “Кечкенә дусларга” (Муса Жәлил “Кечкенә дусларга”. Шигырлар, поэма. Казан. Татарстан китап нәшрияты. 1989), Махтумқулининг икки жилдли туркман тилидаги сайланмаси (Магтымгулы. Сайланан эсерлер. Ики томлук. Ашгабат. “Туркменистан” 1983.), Қалмақон Абдуқодиров “Ҳожимукон” асарининг қозокча нашри (Қалмақан Әбдіқадыров. “Қажымукан”. Повестер мен әңгімелер. Алматы.



“Жазушы”, 1989.) ва яна қрим татар тилидаги айрим китобларни мактабга кўтариб келиб, вақт-вақти билан улардан парчаларни болаларга ўқиб бериш, мазкур тилдаги сўзларни ўзимизники билан қиёслаш, ўхшаш ва фарқли томонларига эътибор қаратиш севимли машғулотларим жумласидан бўларди.

Олтинчи синф адабиёт дарслигида киритилган татар шоири Муса Жалилнинг “Ишонма” шеърини ўрганиш дарсларида қўлимда бор китобдан шу шеърнинг аслиятини болаларга ўқиб беришдан жуда завқланардим. Татарчани ўқишдаги талаффузимни бирор билган кишининг назаридан ўтказмаганман, аммо болалиқда бешинчи синфдан бошлаб кишлоғимиздан тўрт-беш ва ундан ортиқ километр масофалардаги туман маркази мактабларига қатнаб ўқиганмиз. Қрим ва Қозон татарларига мансуб устозларимиз кўп эдилар ва уларнинг деярли ўз тилларида биз билан сўзлашувлари шунча йиллар ўтиб кетган эса-да, ҳамон қулқларим остида жаранглаб тургандек туюлади.

Юқорида эслатганим, ўзбек-турк лицейида ишлаган чоғларимда турк дарсликларидан бирида бир ҳикоянинг кўпгина туркий тиллардаги таржимаси кетма-кет берилганлигининг гувоҳи бўлганман. Ўша китобни болалар қўлидан олиб варақлаб

қўрардим, ўшаларни эътибор билан ўқишни маслаҳат берардим.

Энди эса асосий муддаога кўчиб, шуни айтмоқчиманки, олис юртлар халқлари тилларини эътибор билан ўрганишимиз, аммо... Шундоқкина ўз қўлимизда бўлган маънавий бойликларимиздан бебаҳра қолмоқдамиз. Агар адашмасам, Чингиз Айтматовнинг қирғиз тилида ёзган дастлабки асарларини ўзбек китобхонлари русчадан таржима орқали ўқиганлар. Таржимадан таржима қанчалик маҳорат билан амалга оширилган бўлмасин, барибир аслиятдан анча узоқлашишини тушуниш қийин эмас. Юқорида эслатганим китобдан Чингиз оғанинг “Оқ кема” ва “Эрта келган турналар” асарларини дастлабки бор қирғиз тилида ўқиган чоғларимда бунга яққол амин бўлганман.

Менимча, биз ўзбеклар, тилларни ўрганиш саъю-ҳаракатлари-

наётганлиги ҳақида ва шунга ўхшаш бошқа интернет хабарларини ўқиб, ўзим учун қизиқарли бўлган шундай ажойиб янгиликлар юз бераётганидан мамнун бўлдим.

Бугунги кунларда мамлакатимизда айтиб беришимиз мумкин бўлмаган асарнинг ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизча ёки ҳар уччала тилда биргалиқда бир китобда нашр қилиниши одатий ҳол бўлиб қолди.

Шу ўртоқлашувларим хулосалари сифатида айрим таклифларимни билдиришга жазм этмоқдаман. Аввало бугунги компьютер техникаси ва интернет имкониятидан фойдаланган ҳолда туркий тилларнинг умумий луғати яратилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, етук адилларнинг туркий тиллардаги асарлари аслияти ўзбек тилимиздагиси билан ёнма-ён чоп этилиши, айрим асарларнинг бир неча ёки имкони

ЎЗ БОЙЛИГИМИЗГА ЭГАЛИК ҚИЛАЙЛИК

бўлса барча туркий тилларда биргалиқда нашр қилиниши сингари ишларга қўл урилса, ниҳоятда фойдали иш бўларди.

Олий билим даргоҳлари филология ёки ўзбек тили ва адабиёти факултетларида туркий тилларни ўқитишга эътибор кучайтирилиши лозим деган фикрдаман. Балки тайёрланаётган ҳар бир ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси туркий тиллардан бирортаси бўйича қўшимча мутахассисликка эга бўлиши вақти ҳам етиб келар? Бу эса шунинг учунки, билим даргоҳларимизда босқичма-босқич хорижий тиллар қаторида туркий тил фанлари жорий этилиши лозим.

Хуллас, инглиз, корейс, япон ва бошқа айрим тиллар сингари туркий тилларни ҳам чуқур ўргатиш ишларига қўл уриш даври келди, деб ҳисоблайман. Қардош халқлар яшайдиган қўшни ёки масофа нисбатан узоқ эса-да халқи тилдош бўлган мамлакатларга талабаларимиз ва айрим катта ёшли мутахассис ўқитувчилару олимларимизни тилни чуқур эгаллаш учун юбориш, уларнинг вакилларини ўзбек тилимизни ўрганиш учун келишга даъват этиш сингари ишлар ҳам амалга оша бошлайди ёки аллақачон бошланиб улгурган, деган умиддаман.

Хусниддин ФАЙЁЗОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Яшил ранг – ўзида табиатнинг янгиланишини ифода этади. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади. Қизил чизиклар эса вужудимизда жўшиб оқётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларини англатиб туради.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган кунни маълум маънода байрам қилиш анъанага айланди.

Яна бир муҳим жиҳат, дунёдаги давлат раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга юксак эҳтиром, ўзбек халқига чексиз ҳурмат тимсоли сифатида Давлат байроғининг эъзозланишида намоён бўлмоқда. Президентимизнинг 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи шарафига дунёдаги энг баланд бино ҳисобланган Дубай шаҳридаги Бурж Ал-Халифа ҳамда бошқа осмонўпар иншоотларда замаонавий чироқлар ёрдамида Ўзбекистон байроғи тимсолининг ифодаланишини ҳеч бир ватандошимиз ҳаяжон ва ғурусиз томоша қилмаган бўлса керак.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, доимо миллат рамзлари, ватан тимсоллари энг азиз ва муқаддас кадрият сифатида эъзозланганига гувоҳ бўламиз. Туғ – байроқни асрашга миллат, халқ, давлатнинг ор-номусини асраш қадар юксак қаралган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи жуда катта аҳамият касб этган. Муқаддас рамзлар, хусусан, туғ – байроқни асраб қолиш йўлида аждодларимиз, ҳатто, ўз жонидан ҳам кечганини кўрсатувчи талай мисоллар бор. Байроқ билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат шунда бўлганки, жангу жадалларда давлат байроғини энг ишончли баҳодирлар, паҳлавонлар кўриқлаган.

“Ким ўз юртини севмаса – у ҳеч қачон ҳеч нимани сева олмайди”, — дейдилар. Таъбир жоиз бўлса, бизнинг Она Ватанга, шу муқаддас тупроққа бўлган муҳаббатимиз миллий рамзларга бўлган муносабатимиз орқали ҳам шаклланади.

Ўйлаб кўринг, нима учун байроқ доимо баланд туради. Бош узра хилпирайди? Негаки, у ўз пойида миллионларни бирлаштиради. У инсонга куч ва қудрат бахш этади. Мақсадни тарбиялайди, иродани тоблайди. Оғир жанг ҳолатларида у йиқилганни турғзади, кўрқувни жасоратга, заифни матонатли инсонга айлантира олади. Ўз навбатида ғурур билан байроқни кўтарган инсон минглаб қалбларга байроқ тика олади.

КЎЗЛАРИМГА ТЎТИЁ ТУҒИМ!

Бугун давлатимиз раҳбари илгари сурган “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” ғояси асосида тараққиётнинг янги даврига қадам қўйди. Зеро, миллий ғоя ҳам халқ, миллат, бедор қалблар учун байроқ кабилар. Ўз миллий ғоясига эга бўлмаган инсон, жамият, давлат йўлини йўқотиб қўйиши, кўзлаган мақсадига етолмаслиги мумкин. Аслида байроқсиз қалб бўлмайди. Байроқсиз қалбга ўзгалар ўз байроғини тикишга ҳаракат қилади.

Тарихий манбаларни варақлаймиз: “Жалолиддин Мангуберди ўзидан сон жиҳатдан устун мўғуллар қуршовини ёриб чиқиб от билан ўзини дарёга ташлайди. Бир қўлида от тизгини, бир қўлида юрт байроғи! Шунда Чингизхон ўғилларига

“Ким ўз юртини севмаса – у ҳеч қачон ҳеч нимани сева олмайди”, — дейдилар. Таъбир жоиз бўлса, бизнинг Она Ватанга, шу муқаддас тупроққа бўлган муҳаббатимиз миллий рамзларга бўлган муносабатимиз орқали ҳам шаклланади.

қарата ўқинч билан шундай дейди: “Фақат бахтли отагина шундай ўғилга эга бўлади!”

Ҳарбий хизматчиларнинг Ватан байроғи пойида тиз чўкиб, муқаддас Она тупроғини матонат ва садоқат билан ҳимоя қилишга қасамёд қилиши бежиз эмас. Байроқ жасорат, ғурур, фидойилик, ор-номус мактабидир.

Аслида Ватан байроғи пойида тиз чўкиш, уни кўзга суртиб тўтиё қилиш, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам уни баланд кўтариш, асло қўлдан қўймаслик, жон тикиб бўлса ҳам асрашликка онт ичмоқдир.

Байроқ олдида қасамёд, байроқ олдида тиз чўкиб уни ўпмоқ, бу – Ватанга эъзоз, бу Широқ, Тўмарис, Маҳмуд Торобий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, саркарда Алимкул каби ватанпарвар ва енгилмас аждодлар руҳига эъзоздир!

Бугун Ватанимиз байроғи озод юрт узра хилпираб турибди. У бизни юртимиз тинчлиги, ватанимиз равнақи йўлида бирлаштириб, мамлакатимиз мустақиллигини ҳамisha кўз қорачиғидай асрашга, буюк аждодларга муносиб ворис бўлишга, юксак ишонч ва қатъият билан келажакка қадам ташлашга даъват этиб турибди. Давлат рамзлари – байроқ, герб, мадҳиямизда буюк ўтмиш ва юксак маданиятга эга бўлган халқимизнинг шон-шарафи, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва келажак сари интилишлари мужассам-

ланиши ҳамда юртимизнинг жаннатмонанд эканлиги рамзидир. Бу ранг кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

Қизил чизиклар давлатимиз фаровонлиги, жамият тараққиёти йўлида ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳормай-толмай меҳнат қилаётган юрт фарзандларининг вужудиде оқётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларидир.

Давлат рамзлари ҳамisha муқаддас ва улуғ саналади. Чунки у халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакни ўзида мужассам этган Ватаннинг ёрқин тимсолидир.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳаётимизда рамз ва тимсолларнинг ўрни катта. Зеро, миллий рамзлар ор-номус, шон-шараф саналган. Шайх Нажмиддин Кубронинг жасоратини тарихдан яхши биламиз. Ҳамон бу буюк қаҳрамонлик тилдан тушмайди, ханузгача халқимизни ватанпарварликка, қаҳрамонликка чорлайди. Юрт байроғини ёв қўлига топширишни истамаган Нажмиддин Кубро уни қўлида маҳкам тутганча жон берган эди. Душман ҳарчанд уринмасин, унинг қўлидан байроқни тортиб ололмай, охири панжалари билан кесиб олади. Туғини жонидан ортиқ асраган Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб саркардалар ҳаёти ҳам бугун авлодларимизга катта ибрат. Аслида Ватан байроғини кўзга суртиш, уни тўтиё қилиш Ватанни севиш, унинг учун жонини фидо қилишга тайёр бўлиш дегандир.

Мустақил давлатимиз байроғи тинч ва осойишта, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажакимизга бўлган ишончимиз тимсолидир. Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга юрт манфаати ҳар недан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз ёдда тутишимиз шарт.

Ғани ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар марказий
давлат архиви етакчи архивчиси.



МАНМАННИНГ ЖАЗОСИ

Тоғ орасидаги қишлоқлардан бирида яшайдиган қариндошимиз кўй сўйиб хайру-эхсон қилаётган экан, бизларни ҳам меҳмонга чақирди. Отам иккимиз қариндошимизни кига етиб борган вақти меҳмонлар йиғилиб бўлган экан. Келинг, меҳмон тўрга ўтинг, тўрга ўтинг қилиб отамни тепароқда ўтирган юзлари нурли, калта соколи ўзига ярашган, даврадагилар қори ака дея ҳурматлаётган одам ёнига ўтқизишди.

Мен пастроқдан — ўзим каби ёшлар ёнидан жой олдим. Дастурхонга овқат тортилиб нозу-неъматлардан олинг-олинг қилиш билан бир қаторда суҳбат ҳам қизияпти. Аввал эътибор қилмаган эканман, ёши элликка бориб қолган, кийинишидан олифтанамо, манманлиги билиниб турибди, ёнбошлаб олиб ҳеч кимга гап бермаётган бир киши борган сари овозини баландлатиб гапирар эди.

Рўпарасида ўтирган киши ҳам бизларга ўхшаган меҳмон шекилли, шу одамга қараб:

— Мана шу қирларда ёйилиб юрган кўйларни кўраяпсизми? — деди кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, бизлардан анча узокликда тоғ ёнбағирларида ўтлаб юрган қўйлар подасини кўрсатиб. — Ана шу кўйлар ҳаммаси меники, яқинда кўзилаб бошлади, мингга етади кўйларим сони.

— Баракасини берсин, — деди тўғрисида ўтирган одам.

Бу гапларни эшитиб ўтирган қори ака гапга қўшилди.

— Аллоҳ баракасини берсин бой ака, агар малол келмаса, сиздан бир савол сўрасам.

— Сўранг мулла, — деди сал афти

буришиб бой.

— Аллоҳ сизга шунча бойлик берибди, сиз бунинг шукрини қилиб “Закоғ”ини хам бериб турибсизми?

— Тушунмадим мулла ака, бизлар бир умр шу тоғу-тошларда, кўлимизда чўпон таёқ, кўй бокиб умримиз ўтаяпти, “Закоғ” ҳақида эшитганман, аммо тўлиқ билмайман, батафсил тушунтириб айтингчи?

Қори ака қисқача қилиб “Закоғ” ҳақида маълумот бериб ўтди.

— Аҳа, демек сиз айтишингиз бўйича мен шу кўйларим сонига қараб, қайсидир дангасага нечтадир кўй беришим керакми? Мен иссиқни-иссиқ, совукни совуқ демасдан тоғу тошларда юрган вақтимда ким келиб менга қарашиб кўйган эдики, мен унга ҳада килсам!

Бой аканинг ранг-рўйи ўзгариб, овози кўтарилиб гапира бошлади.

— Агар сизга Аллоҳ бермаса битта чўпга хам эга бўла олмас эдингиз, бунинг шукрини қилишингиз керак..

— Эй.. чала мулла, менга дарс ўтма, йиғиштир бунақа сафсанганни, эртақларингни бориб ўзингни қишлоқдагиларингга ўқи, — у шундай дея кетишга шайланиб жойидан турди.

— Астағфируллоҳ! Бой ака, Астағфируллоҳ денг, ризқ бергувчи Аллоҳ! — қори аканинг овози титради.

— Шу пайтгача ҳеч кимга ҳеч нарса бермаганман, бермайман ҳам, нима бўлади? Қайтариб олиб кўядими? Хуллас менга эртақ ўқиманглар, мен кетдим!

У шундай дея кета бошлади.

Даврага совуқлик тушди.

Ёши улуг киши:

— Қори ака хафа бўлманг, бу одам ўзи айтиб ўтганидек бир умр шу кўйлар ортидан тоғу-тошларда оралаб юриб умри ўтди, на диндан на одамгарчиликдан беҳабар.

— Афсуски, бунинг оқибати яхшиликка олиб бормади, — деди қори ака.

Шундан кейин озроқ ўтиришдик ва тарқалишдик. Тошкентда ўқир эдим эртаси куни пойтахтга кетдим, орадан роппа-роса бир йил ўтди, ҳар йилгидек айни баҳор кунлари қишлоққа йўл олдим.

Туманимиз марказидан қишлоғимизга кетадиган машиналарга минмокчи бўлиб турган эдим, ўн саккиз ёшлардаги бир йигит кўлтиғидан суяб кетаётган бир одам кўзимга иссиқ кўринди. Бир кўлида ҳасса тутган, иккинчи кўлини ёнидаги йигитнинг бўйнидан ўтказиб кетаётган одамни танидим, бу ўша бир йил олдин мен кўрган бой эди.

Ёнидаги ўғли экан.

Улар бир машинага миниб кетгач ўша қишлоққа қира қиладиган ҳайдовчиларнинг биридан сўрадим.

— Ҳозир бир ёш йигит машинага суяб миндирган одам сизларнинг қишлоқларингиздан эмасми мабодо?

— Ҳа ака, бу одам биз томондан, минг кўйли бойман деб юрадиган фалончи ака бўлади.

— Бир йил аввал кўргандим, соппа-соғ эди, бақувват эди, нима бўлди у кишига?

— Ўтган йили киши эрта тушди, ҳам жуда қаттиқ келди. Ноябрь ойи охиридан бошлаб ёққан қор то март



ойи бошигача ердан узилмади, тўплаган ем хашаклари январь охириламасдан адо бўлган экан, аввалига янги туғилган кўзилари қирилла бошлади, кейин кўйларига хам қирғин келди. Бозорда ем хашак нархлари ошиб кетди, кўй кўзилар нархи аксинча тушиб кетди. Бекорга ўлиб кетмасин, дея арзон нархда бўлсада кўйларини сота бошлади, ҳозирда юзга яқин кўйи қолган.

Арзон гаров сотган тўрт юздан ошиқ кўйларининг пулини ўғлингни “Корея”га ишлаб келишга юбораман, дея бир фирибгар алдаб олиб кетибди.

Бой ака бирданига шунча йўқотишни кўтара олмай қанақадир асаб касал бўлиб бир томони яхши ишламай қолди, ўғли энди дўхтирма-дўхтир олиб юриб топган тутганини шифохоналарга сарфляпти...

Битта машинага ўтириб қишлоққа кетаяпман. Анча вақтгача қулоқларим остида ўша аканинг, қори акага қараб “Ким менга қарашиб кўйибди, мен ўзим қилдим бу ишларнинг ҳаммасини, ҳеч ким менга бермапти, бермасам қайтариб олиб кўядими?” дея бақирганлари жаранглаб турди.

Бахтиёр ТУРСУН

Таклиф



Ҳашам эмас, савод муҳим

Ёшлар ижод саройида Республика Ёшлар ишлари агентлиги қошида “Фахрийлар кенгаши”ни тузишга бағишланган биринчи йиғилиш бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан фахрийларимиз бугунги ёшларимиз орасида ўзини ўзбекман дейдиган, аммо, русча гапирадиганлар кўпайиб кетаётганини айтишди. Чет тилларни биладиган болалар кўплиги қувонарли ҳол, аммо ўз она тилини чуқур ўрганмай ўзбекман дейиши кулгили эмасми? Йигит-қизларимиз кўлида китоб ўрнига қимматбаҳо “сотка”лар. Майли, замон талабидир бу ҳам, лекин ёшлар ундан олдин кўлига китоб олсин, ундаги ҳикматларни ўргансин, газета ва журналларни ўқиб борсин, деган таклифлар ҳам билдирилди. Газета бу сўз бойлигини ошириш, яхши ва ёмон сўзларнинг аниқ маъноларини билиш, сўзлашиш қодаларига риоя қилишни ўргатувчи манбадир.

Агар уйнинг пойдевори мустаҳкам бўлса, унча-мунча зилзилага дош бериши ҳаммага аён. Ўша пойдевор одамларда, тахминан, оғир оёқ она қорнидан бошланади. Ҳали туғилмаган чақалоққа она кўпроқ чиройли мусикаларни

кўйиб эшиттириши керак. Мана шу тарбиянинг бошланиши, биринчи қадами. Туғилган чақалоққа онанинг гўзал алласи жуда зарур. Алла бола қалбига қиради ва у яхши тарбия топа бошлайди. Бу иккинчи қадам дейлик. Кейин чиройли суратлар ва расмларни кўп кўрсатиш она зиммасида. Боласига расм чиздириш, мусика танлаб эшиттириш, эртақлар сўзлаб бериш, сўз ўргатиш кабилар она маъсуллигида амалга оширишнинг муҳимлиги. Шу даврда албатта у “Ғунча” ва “Бошланғич таълим” журналларини, кейин сал улғайгач, “Гулхан” журналини ва “Тонг юлдузи” газетасини ўқиши керак. Ўқиш билан бирга расмлардан завқланишга ўрганиши даркор. Яхши расм ва матнларни болаларнинг ўзлари ёки оналари ўқиб беради. Булар унинг эсида қолади. Айниқса эртақлар, болақайлар шеърлари. Иложи бўлса ўшаларни ёдлашларига эришиш лозим. Ота-оналар болалар тарбиясига маъсул. Улар бу борадаги ҳамма ишни меҳр ва

мароқ билан севиб бажариши керак. Акс ҳолда кўп нарсани йўқотамиз. Агар 14-15 ёшга етган бола бир нечта шеър айтолмаса, оддий бўлса ҳам майли, расм чиза олмаса, чиройли сўзлар билан гаплаша олмаса, биз катталар айбдоримиз. Шу масъулиятни ҳис қилган катталар ўйлаб кўришсин. Бу ишга маъсул бўлганларни санаб ўтирмадим, ҳамма маъсуллар бу ишларнинг нечоғлик муҳимлигини билишади, деб ўйладим. Бола бошидан деган халқ ибораси шундан бўлса, ажабмас.

Кексаларни ҳурматлаганлар эртага ўзлари ҳам кекса бўлишади ва уларни ҳам ёшлар ҳурматлайди, деган фикр давомийлиги адолатли ҳақиқат эканига ишончим янада ошди. Лекин энг қувонарлиси, биз қариялар ҳам бугунги Янги Ўзбекистон яратаётганлар қаторида эканлигимиздан бошимиз осмонга етди. Энди кўлни-кўлга бериб, бирга ишлашимиз ва бахтли кунимизни биргалашиб, жонкуяр, тиниб-тинчимас ўз она Ватанини ҳаммадан кўра кўпроқ севувчи Президентимиз бошчилигида ўша катта чўққига чиқишимиз кўзга кўрина бошлади. Бунинг учун бирлашиш кераклиги биринчи қадамга ўхшаяпти. Натижаси файзли бўлишига ишонч бор.

Тўлқин МУҲИДДИН

СОҒ ОДАМ ҚОЛДИМИКАН?



ёлингиздан чиқара олмай, ўзингизга кела олмай юрасиз.

Бунчаликка эришиш учун ҳам анчагина тер тўкиш, тинмай изланиш керакдир-а нима дедингиз? Ёки одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, уларга қандай сўзлар кучлироқ таъсир ўтказиши мумкинлигини кузатиш керакмикан?

Хуллас бу ҳам бир “талант” да, “талант”.

Тунов куни интернетда бир дори рекламасига кўзим тушим қолди. Энди, ўша кундан буён ичимни ит тирнайди-ки қўяверасиз. Рекламачи бу рекламасини худди мен учун ёзгандек. Худди бу рекламани ёзишдан олдин эндигина уйланганимни билгандек, мени узок вақтлардан буён танийдигандек туюлаверади-да. Эсламайман дейман-у, шу телефонимни қўлимга олганим заҳоти ўша реклама ёдимга тушиб, юрагим эзилаверади.

Бировга айтгани юзим чидамайди, айтмагани яна бўлмайди. Майли,

нима бўлса бўлди. Яқинроқ келинг! Ҳеч кимга айтмасангиз сизга айтаман. Ўша дори рекламасида шундай сўзлар ёзилганди: “Бугунги кунда ҳар уч нафар эркакдан биттасида жинсий заифлик кузатилмоқда. Катта эҳтимол билан бу касаллик сизда ҳам бор. Бизнинг мана шу доримизнинг харид қилинг ҳамда муаммоингизга тез ва осон ечим топинг!”

Жуда таъсирли қилиб ёзилган-а тўғри-ми? Қанақа одамлар ёзар экан-а бунақа рекламаларни? Нима бўлганда ҳам уларга инсоф берсин. Бўлма-са одамларни даволайман деб менга ўхшаган қанчадан-қанча кўнгли бўшларни юрак хуружи қилиб ўлдиради булар.

Бу мен кўрган биргина мисол холос. Бунақа, рекраламалар телевиденида, интернет тармоқлари ва мессенжерларда қалашиб ётибди. Буларни кўриб орамизда соғлом одам қолдимикан ўзи деб ўйлаш мумкин.

Камолиддин РЎЗИМАТОВ

Реклама билан шуғулланиш азалдан даромадли ишлардан бири бўлиб, бу билан шуғулланиш учун кўпчиликка таъсир эта оладиган ҳамда диққат-этиборини жалб қила оладиган бўлиш талаб қилинган. Тўғри-да, биринчи сўзингизнинг ўзидаёқ одамларнинг оғзини очиб қўядиган даражада ишонтира олсангиз улар кейинги сўзларингизни кеприк қокмай тинглашади. Агар одамларнинг ҳаётини мисоллар келтириб, фикрингизга бирор бир далил қўшсангиз борми сизга чиппа-чин ишонишади-қўйишади. Сўзимга ишонаверинг.

Эҳ-хе... ҳозирги кунда рекламачиликнинг пири бўлиб кетган одамлар қанча. Ногаҳон улар яратган контентлар, эълон матнларига бир кўзингиз тушиб қолса борми, анча вақтгача ха-



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1108
Адади: 1515.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, хажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6



БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Бундан икки йил олдин маҳалламиздаги чиқинди йиғиш майдончасида 7 ёш, 10 ёшдаги лўли миллатига мансуб болаларнинг ахлат титиб, саралаётганини кўриб, улар ким ва қаердан келганликларини сўрадим.

– Исми Дамир, синглимнинг исми Ишода. Самарқанд вилояти, Қорасув кўрғонидан келганмиз. 2019 йилдан бери Тошкентда ота-онамиз билан яшаймиз, шу ерда ишлаймиз.

– Ишдан сўнг нима қиласизлар?
– Бозорга тушиб, баклажка, темир-терсак йиғамиз, – деди Ишода.
– Нечинчи синфда ўқийсизлар?

Улар бир-бирига қараб елка қисийди. Бундай саволни кутмаган ака-синглининг мунгли кўзлари нималарнидир гапирарди.

– Ўқишни хоҳлайсизларми, – деб сўрадим.

Бу саволимдан иккаласининг кўзлари ёниб кетди. Дамир, Ишода ҳам на ўқишни, на ёзишни билмас экан. Ишода савол назари билан:

– Амаки, биз ҳам тенгдошларимиз қатори ўқишни хоҳлаймиз, бурга имкон бормикан? – дегани юрагимга найзадек санчилди.

Сухбатимизни болаларнинг онаси Гулшода Эргашева бузди.

– Кимсиз ўзи, нега болаларимни ишдан қолдириб, сўроққа тутаяпсиз.

Қотмадан келган, мушаклари ва юзлари таранг тортилган, уларнинг отаси Санъат Эргашев олазарақ кўзлари менга краб турибди. Улар билан танишганимиздан сўнг, бирдан юқоридаги ҳолатдан асар ҳам қолмади. Чиқинди хонадонларига таклиф қилишди. 2x2 метр ҳажмдаги уйда 6 киши яшар экан. Бу уй – ётоқхона, ошхона, болалар хонаси ҳам эди.

– Нима сабабдан фарзандларингизни мактабга бермагансиз? Ахир Дамир 10 ёш, Ишода 9 ёш, Лобар 7 ёшга тўлган эканку.

– Самарқанд вилояти, “Қорасув” МФЙда туғилиб, катта бўлганмиз. Шу ерда Санъат ака билан турмуш курдик, фарзандлик бўлди, болалар катта бўлишди. Маҳалла худудидида 58-ўрта таълим мактаб жойлашган бўлиб, баъзи вазият ва сабабларга кўра, болаларим у ерда ўқий олмади. Бунга сабаб, ўзимизнинг саводсизлигимиз, болаларни ўқишига бефарқ қараганлигимиз ҳам бўлиши мумкин. Ўзимиз ҳам мактабда ўқимаганмиз, ғирт саводсизмиз. Шундан келиб чиқиб, фарзандларимиз келажаги нима бўларкин деб, кўп ўйлаймиз.

– Дамир, Ишода, Лобар ўқиши учун шароит яратиб бера оласизларми, – деб сўрадим.

Саволимга ишончсизроқ қараб

Эзгулик

қўйишди.

Шу куниёқ Олмазор туманидаги 24-мактаб раҳбари Доно Шоқурбоновага учрашиб, нима ҳақда келганлигини айтдим. Хонадаги ўқитувчилардан бири:

– Улар лўлику, – деб қолди.

– Лўли! Уларнинг фарзандларини ўқишга ҳаққи йўқми, – деган саволимга кулиб, юзлари тиришди.

Шундан сўнг, ташвишли кунларим бошланди. Мактаб директори аввалига жой йўқ, қонун бўйича болалар қаерда рўйхатда бўлса, шу ердаги мактабда ўқиши керак, деган турли вақтларни кила бошлади. Ҳаммадан кенжатоёқ Лобарнинг: “Мен қачон ўқийман?” деган саволлари менга уйқу бермасди. Кунлар кетидан ойлар ўтди. 2022 йилда Олмазор тумани депутати Жасур Туропов, туман ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси бош мутахассиси Нилуфар Қосимова саъй-ҳаракати билан болаларни Дилдора Ҳалимова раҳбарлик қилаётган 1-ўрта таълим мактабига жойлаштирдик. 1 сентябрдан Санъатнинг 3 нафар фарзанди мактаб остонасига қадам қўйишди. Уларнинг шу пайтдаги ҳолатини тасаввур ҳам қила олмайсиз. Улар бир оламдан бошқа дунёга тушиб қолгандек эдилар.

1 октябрь – Устоз ва мураббийлар кунида эрталабдан кимдир хонадоним эшигини тақиллатди. Чиқиб қарасам, ҳамсоям Гулшода Эргашева экан. “Суюнчи беринг, бугун Дамирбек 4 синфда, Ишода 3 синфда, Лобархон 1 синфда ўқимоқда. Фарзандларимиз мактабга чиқиб, кўп дўст орттиришди. Айниқса, улар китоб, илм билан дўстлашмоқдалар” дея қувончини изҳор этди.

Даврон АҲМАД
Муаллиф олган суратлар

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди
“Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш”
мавзусида бешинчи давлат грантларини ажратиш учун танлов
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Маҳаллада “Бир нуруний ўн ёшга масъул” тамойилини қарор топтиришда ижтимоий шерикликни кучайтириш;
2. Меҳнат фахрийларининг ёшлар тарбиясидаги ролини ошириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш ва ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда уларнинг иштирокини кенгайтириш;
3. “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиорини амалга оширишда ёшларнинг иштирокини юксалтириш;
4. Маҳаллаларда давлат хизматларини кўрсатиш устидан нурунийларнинг жамоатчилик назоратини шакллантиришда ижтимоий шерикликни кучайтириш;
5. Ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини миллий ва умуминсоний кадриятларни асраб-авайлаш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш;
6. Маҳаллаларда ўзгаларнинг парваришига муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашда ёшлар етакчиларининг “ёшлар волонтерлик” гуруҳлари билан ижтимоий шериклигини кучайтириш;

7. Ёшларни замонавий ва анъанавий меҳнат фаолияти турларига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш;

8. Маҳалла ва таълим масканларида “волонтер нуруний”лар гуруҳлари фаолиятини ёшларнинг миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтириш;

9. Ижтимоий-иқтисодий муаммолари кўп бўлган ҳамда олис ва табиий иқлим шароити оғир маҳаллаларда “Беш ташаббус” тамойилларини кенг жорий этиш;

10. Маҳаллаларда “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини йўлга қуйишда ижтимоий шерикликни кучайтириш;

11. “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришда ижтимоий шерикликни кучайтириш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fondngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат

рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг Устави (Низоми) ҳамда гувоҳномасининг нусхалари.

4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси.

5. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори - 100 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2022 йил 28 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(71) 239-26-76, 239-26-86.

Парламент комиссиясининг 2022 йил 26 октябрдаги 25-сонли қарорига
2-илова

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди
2022 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик
лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун қайта танлов
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишлари, давлат ижтимоий буюртмасининг мақсад ва вазифалари	Буюртмачи давлат органи	Ажратилган маблағ
I. Жамиятда соғлом турмуш тарзини ва ижтимоий туризмни тарғиб этиш, аҳоли турмуш сифатини оширишга кўмаклашиш.			
1.	Устувор йўналиш: Туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини оширишга кўмаклашиш. Мақсад: Худудларининг туризм потенциалидан келиб чиқиб, гидлар ва экскурсоводларнинг малака ва салоҳиятини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш. Вазифалар: - Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида экологик, экстремал ва тоғ туризми бўйича 5 та ўқув марказини ташкил этиш; - маҳаллий экскурсоводлар ва гидлар ҳақида маълумот бериш, он-лайн мулоқот майдони учун инглиз, рус, араб ва ўзбек тилларида хизмат кўрсатувчи веб-сайт яратиш; - ҳар йили 300 нафар маҳаллий гид ва экскурсовод тайёрлаш, уларни туристлар билан билан он-лайн мулоқотини йўлга қуйиш ва бандлигини таъминлаш.	Туризм ва маданий мерос вазирлиги	500,0
2.	Устувор йўналиш: Туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини ошириш. Мақсад: Ўзбекистонда маҳаллий ва хорижий сайёҳларга зиёрат туризми бўйича ишончли ва тўлиқ маълумотларни етказиш. Вазифалар: - “Олтин силсила ҳалқа”си мавзусида Нақшбандия тарикатининг намоёндалари ҳақида электрон маълумотлар базасини яратиш; - Бухоро шаҳри, Гиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан, Когон, Денов, Олтинсой ва Китоб туманлари ҳамда Самарқанд шаҳрининг зиёрати туризми салоҳиятини кенг тарғиб этиш; - туризм ярмаркалари ва кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, дипломатик корпусларни ва халқаро ҳамкорларни жалб қилиш; - “Жаҳон мусулмон саёҳат индекси” рейтингда Ўзбекистоннинг ўрнини янада яхшилаш.	Туризм ва маданий мерос вазирлиги	300,0
Жами 2 та давлат ижтимоий буюртмаси			800,0

Ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳани амалга оширишда давлат ижтимоий буюртмасининг шартлари:

- ижрочи-ташкилот белгиланган тартибда ННТ сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши зарур;
- давлат ижтимоий буюртмасини бажариш доирасида амалга оширадиган фаолиятнинг ижрочи-ташкilotнинг уставидаги вазифаларга мувофиқлик келиши;
- ижрочи-ташкilotда лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган кадрлар ва техник имкониятнинг мавжудлиги;
- ижрочи-ташкilotда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар ва дастурларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги тажрибанинг мавжудлиги;
- лойиҳани амалга ошириш ҳақидаги шартномани сифатли ва ўз вақтида бажариш, уни амалга ошириш вақтида ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни, очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, амалда-

ги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этиш.

Давлат ижтимоий буюртмаси берилиши учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:

Ариза тақдим этаётган ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари имзоси ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

www.fondngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ариза;

Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

Ташкilotнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

Ҳужжатлар 2022 йил 28 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади. Тақдим этилган муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва натижалари эълон қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди» номига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 формат) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-86.